O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI SHAROF RASHIDOV TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

2022 - yil 20 - iyul 228-3-46-Q/22 Sharof Rashidov tuman hokimligi

Шароф Рашидов тумани ҳудудида умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари, ички хўжалик йўллари ва марказий кўчаларда фуқаролар ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида сунъий йўл нотекисликларини ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 04 апрелдаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-190-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазилар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрель кунги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли қарорларида ҳамда “2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, шунингдек, Янги Ўзбекистон шароитида автомобиль йўлларида инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳар қандай ҳодисалардан кафолатли ҳимоя қилиш мақсадида, мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб йўналишлари - автомобиль йўллари инфаратузилмасини такомиллаштириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг “пиёда-жамоат транспорт-велотранспорт-автотранспорт” устуворлиги асосида хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шарт-шароитлар яратиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида сунъий нотекисликларни ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-, 6- ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ҳудуддаги аҳолининг мурожаати ва Шароф Рашидов тумани Йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2022 йил 28 июндаги 185-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин ва маъқуллансин.

2. Шароф Рашидов тумани 4К-231а “Жиззах ш. – Гагарин ш.” автойўлидан Н.Абдуалимов Ф.У.га автомобиль йўлидаги 14-сонли умумтаълим мактаби атрофига сунъий йўл нотекислиги ўрнатилишида ва **1.31 “сунъий йўл нотекислиги”** йўл белгиси ўрнатишга рухсат берилсин.

3. Шароф Рашидов тумани ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими (А.Сафаров), туман Ободонлаштириш бошқармаси (А.Абсаидов), маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан биргаликда сунъий йўл нотекисликларини йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига мос равишда ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин.

4. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Ж.Азимов) ушбу қарорнинг “Jizzax tongi.uz” газетасида нашр этилиши, ҳокимлик расмий веб сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

5. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Имомқулов ва ички ишлар бўлими бошлиғи А.Муратов зиммаларига юклатилсин.

Туман хокими **М.Холбутаев**